

---

## ТУМАНДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

ЁШЛАР МАМЛАКАТ ЭРТАСИ ВА ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ. УЛАРНИНГ БАРКАМОЛ ВОЯГА ЕТИШИ, САЛОҲИЯТЛИ ВА ИЛҒОР ФИКРЛАЙДИГАН АВЛОД БЎЛИБ УЛҒАЙИШИ ҲАМДА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ ЙЎЛИДАГИ ИНТИЛИШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУННИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ. Туманимиз марказида жойлашган марказий ўйингоҳда Ички ишлар вазирлиги, туман ҳокимлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкилланган “Янги Ўзбекистонда янгича фикрловчи ёшлармиз” шиори остидаги фестиваль бувайдалиқ ёшларнинг фаоллиги ва уюшқоқлигида ўтди. Фестиваль кун тартибидан ўрин олган рассомлар майдончаси, ҳунармандлар расталари, меҳнат ярмаркаси, цирк, дорбозлар, спорт мусобақалари, китоблар, миллий либослар, миллий таомлар кўрғазмалари, чалпак сайли, палов тайёрлаш мусобақалари анжуманда иштирок этган ёшу қарининг эътиборини тортди. Фестивални туман ҳокими Б.Ибрагимов очиб берди. Туман аҳолиси вакиллари, фаол, уюшмаган ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, барча МФЙдан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганлар анжуманда иштирок этиб, маънавий ҳордиқ чиқардилар. Эстрада юлдузлари, хушовоз хонандалар иштирокидаги мусиқали дастур ҳам бувайдалиқлар қалбига завқ-шавқ бағишлади. Дастурда янграган она Ватан, ҳур ёшлиқ, муҳаббат ва бахт ҳақидаги куй-қўшиқлар рақсларга уланди. Фестивалда намойиш этилган спортнинг 23 та тури бўйича кўрғазмали чиқишлар ёшларни мамлакатимиз ҳарбий техникаси билан таништириш билан бирга улар қалбида она Ватанга садоқат, ҳарбийларимизга ишонч ва ҳавас туйғуларини сингдиришга хизмат қилди. Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан илк бор туманда “CROSSFIT GAMES FERGANA-2022” жамоавий комплекс спорт тури бўйича “Ички ишлар вазири кубоги” мусобақасида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишиб, ўз иқтидор ва маҳоратларини амалда кўрсатдилар. Фестиваль доирасида Халқаро спорт турнирлари ғолиблари, номдор спортчилар билан давра суҳбатлари ҳамда маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ташкил этилган мазкур фестивалда икки мингга яқин аҳоли вакиллари иштирок этди. ИИБ вакили ҳамда республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Ф.Жўрақулов ҳам фестивалда иштирок этди. Фестиваль якунида ғолиб жамоалар аниқланди. Ойим МФЙ спортчи ёшлари биринчи ўринни эгаллаб ИИБнинг 25 миллион сўм, Қўм МФЙ жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлиб 15 миллион сўм, Бувайда МФЙ ёшлари эса учинчи ўринни қўлга киритиб 10 миллион сўм пул мукофотига лойиқ топилдилар. Номинациялар бўйича энг яхши иштирокчи Понсод МФЙ жамоаси, энг яхши жамоа эса Қоратепа МФЙ ёшлари деб эътироф этилди.

2022-03-09 11:05:50